



# ISHONCHI

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 26 май, чоршанба №66 (713)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ҚЎШМА КОМИССИЯ СЕССИЯСИ ЯКУНЛАНДИ

24-25 май кунлари Тошкентда Ўзбекистон-АҚШ, АҚШ-Ўзбекистон қўшма комиссияларининг иккинчи сессияси яқунланди. Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни мунтазамлаштириш ва давлатлараро муносабатлардаги муҳим масалаларни юқори даражада ҳал этиш мақсадларида тузилган мазкур комиссияларнинг навбатдаги йиғилиши ҳам ишчан ва амалий руҳда ўтди.

Қўшма комиссия тўртта кўмитадан иборат бўлиб, сиёсий масалалар кўмитаси ташқи сиёсатдаги ҳамкорлик бўйича кенг қамровли масалаларни кўриб чиқди. Кўмита мажлисларида гийёвандликка ва терроризмга қарши кураш, БМТни ислох қилиш, минтақавий тинчлик жараёни, шунингдек, ҳар икки томонни қизиқтирадиган бошқа масалалар бўйича ҳам ҳамкорликни давом эттириш мақсадга мувофиқ эканлиги таъкидланди. Томонлар Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислохотлар мамлакатдаги барқарорликнинг сақланишида муҳим омил эканлигини эътироф этди. Кўмита йиғилишининг натижаси ўларок, ўзаро алоқаларга янги туртки бериш мақсадида АҚШ тadbirkorларининг Ўзбекистонга келиб-кетишини оsonлаштирадиган соддароқ тизим жорий этиладиган бўлди.

Иқтисодий ислохотлар ва ҳамкорлик масалалари кўмитаси мажлисларида бу соҳадаги алоқалар мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг мустаҳкамлашига ва Ўзбекистоннинг ривожланган бозор иқтисодиёти сари оидмалб бориши, шунингдек, халқаро иқтисодий тузилмаларга интеграциялашувида муҳим ўрин тутажга қайд этилди. АҚШ томони Ўзбекистонда бу соҳада амалга оширилаётган ислохотларга кўмак бериш мақсадида давлат бюджетидан 1999 молия йилида 33 миллион доллар маблаг ажратишни режалаштиргани қайд этилди. Ўзбекистонда бозор муҳитини яхшилаш мақсадида банк тузилмаларини ислох қилиш, мунтазам ва рационал бюджет жараёнини вужудга келтириш, корхоналардаги ҳисоб-китоб жараёнларини халқаро андозаларга мувофиқлаштириш йўлидаги ишлар давом эттирилиши таъкидланди.

Ҳарбий масалалар кўмитаси мамлакатларимиз ўртасидаги мудофаа ва хавфсизлик масалалари бўйича икки томонлама алоқаларни кенгайтириш ва ривожлантириш йўлидаги ҳаракатларни қўллаб-қувватлашни маълум қилди. Минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда ҳарбий дастурларнинг алоҳида ўрни борлиги айтиб ўтилди. Ҳарбий таълим, тинчликпарвар кучларнинг биргаликдаги машқлари, фавқулодда вазиятларга тайёргарлик машғулотлари ҳамда ўзаро мутахассислар алмашиш дастурлари ҳарбий ҳамкорликнинг муҳим қирраларидан бўлиб қолаверади. Томонлар АҚШ Куролли кучлари Марказий Кўмондонлигининг (МК) 1998 йил октябр ойда Марказий Осиё минтақасини ўзининг масъулят зонаси доирасига олганини ва МК ҳамда Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги ўртасида юқори даражадаги таширфлар алмашилиши жараёнининг амалда бўлишини қайд этди.

АҚШ томони Ўзбекистондаги ҳарбий корхоналарни конверсиялаш ишларида ёрдам берадиган бўлди. Ўзбекистон Куролли кучларини ислох қилиш ишларида ҳам ёрдам кўрсатилди. Жумладан, Куролли кучларимизда шу кунгача мавжуд бўлмаган бош сержантлар институти ташкил этилишида амалий ҳамкорлик қилинади. Оммавий қирғин қуроллари, оддий қурол-яроғ ва гийёванд моддалар тарқалишининг олдини олиш мақсадида чегараларни мустаҳкамлаш ишларида ҳам биргаликда саъй-ҳаракат қилинади.

Қўшма комиссиянинг ялпи мажлиси шу йил 17-18 май кунлари Тошкентда бўлиб ўтган Савдо, сармоя ва энергетика кўмитаси мажлисининг ҳисоботини маъқуллади. Айни чоғда мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама иқтисодий алоқалар имконият даражасида эмаслиги ҳам қайд этилди. Утган йили Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги савдо муомаласи ҳажми 181 миллион долларни ташкил этиб, бу кўрсаткич аввалги йиллардагидан бир мунча камдир. Вазиятни ўнглаш учун тақлиф этилган амалий тadbirkorлар мажмуи комиссия томонидан маъқулланди. АҚШ томони Ўзбекистоннинг нефть ва газ салоҳиятини ривожлантириш, шунингдек, энергетик хавфсизлик ва мустақиллик йўлидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашини билдирди.

Анжуманда АҚШ томони Ўзбекистон билан иқтисодий алоқаларнинг ривожлантирилишидан манфаатдор эканини яна бир бор намойиш қилди. Бунинг исботи ўларок, АҚШнинг савдонинг молиялаш агентлиги ўз компанияларининг Ўзбекистон бозорини ўрганиш имкониятларини қўллаб-қувватлашни билдирди. Хусусий хорижий сармоялар корпорацияси Ўзбекистонда ишлаётган компанияларни сиёсий таваккалчиликлардан ҳимоя қилиш мақсадида 190 миллион долларлик сугурта ажратди. АҚШ Эксимбанки эса Америка маъмулотини сотиб олишда Ўзбекистон томонига ёрдам беришда давлат этажанини билдирди ва бу ёрдам ҳозир ҳам қарорда, кафолатлар ва сугурта шаклида амалга оширилаётгани, унинг жами ҳажми 811 миллион долларга етганини билдирди.

Қўшма комиссия ўз иштини ниҳонлаганидан сўнг «Интерконтинентал» мейдонхонасида яқуний ҳужжатларни имзолаш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси ва Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистон-АҚШ, АҚШ-Ўзбекистон қўшма комиссиялари олдида турган ишлар бўйича Қўшма Баёноти, шунингдек, Америка Қўшма Штатлари ва Ўзбекистон ҳукумати ўртасида Террорчиликка қарши кураш бўйича Қўшма Баёнот, Консуллик ишлари бўйича ўзаро англашувлар тўғрисида Меморандум, Фуқаро авиацияси бўйича Битим юзасидан Дипломатик Ноталар имзоланди. Ҳужжатларни қўшма комиссиянинг ҳамраислари - Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А.Комиллов ҳамда АҚШ давлат котибининг янги мустақил давлатлар ишлари бўйича махсус маслаҳатчиси С.Сестанович имзоледи.

Ўзбекистон мудофаа вазири Х.Турсунов ва АҚШ мудофаа вазирининг стратегия ва хавф-хатарни камайтириш бўйича ёрдамчиси Э.Уорнер томонидан Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири билан Америка Қўшма Штатлари мудофаа вазири ўртасида 1999-2000 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик Режалари тўғрисида ҳамда қимёвий қуролларга тегишли бўлган объектларни демилитаризациялаш ва қимёвий қуроллар технологияси тарқалишининг олдини олиш соҳаларида ҳамкорлик тўғрисидаги Битимлар имзоланди.

Яқуний ҳужжатларни имзолаш маросимидан сўнг қўшма комиссия ҳамраислари оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот анжумани ўтказди.

Муулмон НАМОЗ, ЎЗА мухбири.

## ДЎРМОН ҚАРОРГОҲИДА УЧРАШУВ

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов 25 май кунини Дўрмон қароргоҳида АҚШ давлат котибининг янги мустақил давлатлар ишлари бўйича махсус маслаҳатчиси С.Сестанович бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашди.



Учрашувда Ўзбекистон-АҚШ, АҚШ-Ўзбекистон қўшма комиссияларининг Тошкентда ўтган навбатдаги сессияси яқунлари, мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамда сиёсий алоқалар кўламини янада кенгайтириш, хусусан тadbirkorларнинг бевосита ҳамкорлигини ривожлантириш борасида имтиёзлар яратиш билан боғлиқ масалалар муҳокама

этилди. Мулоқот чоғида Президент Ислам Каримов АҚШ томонидан Ўзбекистонга кўрсатилаётган ёрдам Ватанимизнинг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, жамиятимизда демократия тамойилларини қарор топтириш ва ривожлантириш, иқтисодий ислохотларни самарали амалга ошириш учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. Шу ўринда айтиш ке-

раки, бугунги кунда биз учун жаҳон ҳамжамиятига, дунёвий иқтисодиёт тизимига интеграциялашув энг долзарб масалалардан ҳисобланади. Бу борада хорижий давлатлар билан ўзаро алоқаларни чуқурлаштириш, муайян масалалар юзасидан яқдилликка эришиш лозим. Шу маънода халқаро сиёсатдаги, иқтисодиётдаги кўпгина муҳим масалалар юзасидан Ўзбекистон билан АҚШнинг нуқтаи назар-

булади. Аминмизки, АҚШ сиёсий доиралари бугун Ўзбекистонда кечаётган ислохотлар жараёнини катта қизиқиш билан кузатиб бораётир. Яъни, ўзаро ҳамкорликнинг ривожидан ҳар икки томон ҳам бирдек манфаатдор. Учрашувда С.Сестанович Ўзбекистонга ташрифи, балки Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда ҳам муҳим омил

бўлади. Аминмизки, АҚШ сиёсий доиралари бугун Ўзбекистонда кечаётган ислохотлар жараёнини катта қизиқиш билан кузатиб бораётир. Яъни, ўзаро ҳамкорликнинг ривожидан ҳар икки томон ҳам бирдек манфаатдор. Учрашувда С.Сестанович Ўзбекистонга ташрифи, балки Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда ҳам муҳим омил

лиқни янада ривожлантириш учун мавжуд имкониятдан янада самаралироқ фойдаланиш зарурлигини таъкидлади.

Бизнинг мақсадимиз нафақат ҳукуматлараро, балки жамиятларимиз ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашдир, - деди жумладан, С.Сестанович. - Бир гапни айтишим керакки, америкаликлар Ўзбекистон кўп соҳаларда юксак салоҳият эгаси эканини яқши билади. Ўзбекистон Марказий Осиёда етакчи ўрин тутувчи давлатдир.

Музокараларда ўзаро савдо алоқаларини кенгайтириш билан бирга, минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, диний айирмачилик ва террорчиликка қарши кураш, шунингдек, ҳарбий масалалар бўйича ҳамкорликни ривожлантириш ҳақида ҳам сўз борди.

(ЎЗА) Суратда учрашув пайти. А.ТўРАЕВ (ЎЗА) олган сурат.

## ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ БОШЛАНДИ

Пойтахтимиздаги мухташам «Юнусобод» спорт мажмуида эркин, юнон-рум ва аёллар кураши бўйича Осие ўн учинчи чемпионатининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бозор вазирининг ўринбосари, ушбу мусобақани ўтказиш ташкилий кўмитаси раиси Х.Кароматов очди.

Мамлакатимизда спортни ривожлантиришга катта эътибор берилаётгани бугунги кунда барчага аён, дейилди маросимда. Сўнгги йилларда юртимизда ўтказилаётган нуфузли мусобақалар сонининг ортиб бораётгани бу борадаги ютуқларимиз жуда салмоқли эканидан далolat беради. Қуни-кеча мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримовга Халқаро хаваскор курашчилар федерациясининг (ФИЛА) олий мукофоти - «Олтин маржон» топширилди. Шу нарчанимиз жаҳондаги давлат раҳбарлари ичидан биринчи бўлиб ушбу олий мукофот билан тақдирландилар. Бу нарса барчамизнинг юрагимизда фахр ва ифтихор туйғуларини жўш урдириб юборди.

Бизга маълумки, ФИЛАНГ асосий мақсади эркин, юнон-рум ва аёллар курашини дунё миқёсида кенг ёйишдан иборат.

Пойтахтимизнинг мухташам спорт иншоотларидан бири - «Юнусобод» спорт мажмуида эркин, юнон-рум ва аёллар кураши бўйича XIII Осие чемпионатининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Мамлакатимизда спортга, хусусан, курашга бўлган эътибор

Хабарингиз бор, 24 май кунини Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовга мамлакатимизда ва умуман жаҳонда спортни ривожлантириш йўлидаги улкан хизматлари учун халқаро хаваскор курашчилар федерацияси (ФИЛА) Бош котиби Мишел Дюссон томонидан федерациянинг олий мукофоти - «Олтин маржон» топширилди. Шу нарчанимиз жаҳондаги давлат раҳбарлари ичидан биринчи бўлиб ушбу олий мукофот билан тақдирландилар. Бу нарса барчамизнинг юрагимизда фахр ва ифтихор туйғуларини жўш урдириб юборди.

## ҲАМЮРТЛАРИМИЗ БЎШ КЕЛИШМАДИ

бу ерга Хитой, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Эрон, Япония, Монголия, Покистон, Қозоғистон, Қирғизистон каби бир неча давлатлардан энг сара полвонларни етаклаб келди. Карнай-сурнай садолари остида кутиб

олинган меҳмонларнинг юз-кўзидан биз уларнинг мустақил Ўзбекистонимизга бир қадар ҳайрат ва ҳавас билан боқаятганликларини сездик.

Чемпионатнинг очилиш маросими чинаками-

Шундан сўнг эркин, юнон-рум ва аёллар курашининг жаҳон миқёсида кенг тарқалишига ўзларининг улкан ҳиссаларини қўшаётган бир гуруҳ кураш жонкуярлари ФИЛАНГ мукофотлари билан тақдирландилар.

Эркин кураш бўйича бўлиб ўтган биринчи бошқанда ҳамюртларимиз Адҳам Очиллов (54 кг), Игор Купеев (69 кг), Руслан Хинчанов (76 кг), Сослан Фраев (97 кг), Равиль Исломов (63 кг), Аслан Санақоев (85 кг)лар галаба нашидасини сурдилар.

Улар юқори очколар олиб курашни давом эттириш имкониятини қўлга киритдилар.

Чемпионат 30 майга қадар давом этади.

## ОИЛА СОҒЛОМ ВА МУСТАҲКАМ БЎЛСИН

Яқинда Наманганда «Оила ва никоҳ» маркази ташкил этилди. Марказ ахил оилаларнинг кўпайишига, эр-хотин ўртасидаги меҳр-муҳаббат ва иноқлик ҳукмрон бўлиши ҳамда фарзандлар соғлом ва бахтиёр бўлиб ўсишига кўмак бериши лозим. Ҳукуматга қарашли бўлмаган «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг шаҳар бўлими бу марказ очилишининг ташаббускори бўлди.

Марказ кўйди-чиққиларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратиши кўзда тутилган. Марказ ходимлари янги оила кураётган ёшлар билан мана шу борада иш олиб боради. Мунтазам маслаҳатлар бериш, янги оила кураётган ёшларни тиббий кўриқдан ўтказиш ҳамда улар билан оила ва никоҳ муаммолари бўйича суҳбатлар ўтказиш ҳам марказ режасига киритилган.

## Шукрона

Кўпни кўрган нурунийлар мени «кишлоғимиз виждони» дея эъзозлашади. Тўғри сўзлашни, одимликни, қадрдон даламни ёқтираман. У-буга йўйманг, хамиша саранжом-саришта, анвойи гуллар фэйз бағишлаган хонадонимиздан одам аримайди. Қадрдонлар атрафимда парвона бўлиб, дуоларимни олишга ҳаракат қилишади.

Кўпгина айтадиган гапим битта: ўзи шундоқ ҳам улчовли умрни мазмуни яшаб, сабр-тоқат, иймон-эътиқод билан мустақил юртимизга умримиз борича баракали хизмат қилайлик.

Бу азиз бошим неларни кўрмади. Бахтим шуки, асосий умрим юрт ишида ёнган оташқалб, оташнафас инсонлар орасида ўтди. Ёшлиқнинг гўзал дамлари сўз юритганлар бадном этилди. Кўплари Сибирга сургун бўлди. Бағоят истеъдодли, ўз юртининг бахтли эртасини ўйлаган кишиларнинг баҳоси йўқ эди. Улар армон билан бу ёруғ дунёдан ўтидилар. Истиқлол, меҳрибон Президентимиз ана шундай табаррук, халқимиз асл фарзандларининг номларини тиклади, ҳурматини жойига қўйди. Давлатимиз раҳбарига Оллоҳ берган буюк ирода мавжуд. Ул зоти олийнинг матонат ва ғайратидан бутун мамлакат

## Қишлоқ виждони

Касбилик 100 ёшли Мусоҳаба момо: «Дилдаги бир гапни айтмай, йигирманчи асрда халқимизга Ислам Каримовчалик буюк хизматлар қилган ва қилаётган иккинчи бир шахс йўқ десам, янглишмаган бўламан.»

нагани шуки, миллат гурури ҳақида сўз юритганлар бадном этилди. Кўплари Сибирга сургун бўлди. Бағоят истеъдодли, ўз юртининг бахтли эртасини ўйлаган кишиларнинг баҳоси йўқ эди. Улар армон билан бу ёруғ дунёдан ўтидилар. Истиқлол, меҳрибон Президентимиз ана шундай табаррук, халқимиз асл фарзандларининг номларини тиклади, ҳурматини жойига қўйди. Давлатимиз раҳбарига Оллоҳ берган буюк ирода мавжуд. Ул зоти олийнинг матонат ва ғайратидан бутун мамлакат

рака сўрар эканман, қарийб саккиз йил ичидаги ўзгаришлар кўз ўнгимдан бир-бир ўтади. Кишлоғимиз таниб бўлмас даражада ўзгарди. Табиий газ, ичимлик сувига ёлчилик. Президент Фармони шарофати билан биз ҳам томорқали бўлганмиз. Оила аъзоларимиз билан йил икки ой ишлаб томорқадан мўмай даромад олаётимиз. Умрбоқийлик ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Бағри кенг, ҳаётни, одамларни жон дилдан севувчи, эзгуликка интилиб яшовчи инсонларнигина умрига умр

ришга ҳам ҳайқардик. Муҳтожлик, бир бурда нон қадрини ўшанда билганман. Президентимиздан кўп миннатдор бўлган жойим яна шуки, Фармони олий эълон қилиб тўймаъракаларни, оилавий тadbirkorларни ўтказишни тартибга солидилар. Бели оғримай пул топиб, даб-дабабозликка берилган кимсаларнинг кўзини очдилар. Қўйин томони шу эдики, ҳеч ким фарзандини кам бўлсин демайди, тўйларини кўнглидагидек ўтказиш учун ҳаракат қилади. Мақсадга эришиш учун баъзи-

да қарз кўтарардик, у-буни сотиб орзу-хавас қилардик. Бу қанчалар нотўғри эканлигини ҳаётнинг ўзи яққол кўрсатди. Яқинда оддий механизаторнинг тўйини ўтказдик. Катта оила келин-куёвларнинг никоҳ тўйидан 50 минг сўм тежаб қолди. Демак, тўйларимиз замонавий, камчилик, бир умрга эсда қоларли қилиб ўтказилса, айни мuddада. Заҳмат чекиб меҳнат қилганидан сўнг, пулни жой-жойига сарфлаш ҳам санъат. Президент Фармони бу борада жонимизга оро кирди. Қишлоқда кимда-ким ҳадидан ошса, иккиланмай танқид остига оламан. Ҳақким бор: ҳамма ҳам юзга кирибдими! Эрка-лигимни кўтаришади, танқиддан тўғри хулоса чиқаришади. Шунинг учун одамлар мени «қишлоқ виждони» деб таърифлашаётган бўлса, ажаб эмас.

Ҳаёт нақадар ширин. У бахтли инсонларга бахтли яшаш учун берилган. Эртанги кунимизнинг қандай бўлиши ўзимизга, меҳнатимизга, меҳру-оқибатимизга боғлиқ!

Касаба уюшма ҳаёти

Жамиятимизда иктисодий ислохотларни амалга ошириш жараёнида тармоқ касаба уюшмаси олдида қандай вазифалар турибди? Ишни қайси йўналишлар бўйича ташкил қилиш керак?
Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг Олий Мажлис XIV сессиясидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалари Марказий кўмита пленумида атрофлича кўриб чиқилди.

МАБЛАҒЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНАЙЛИК

Республикада бугун 2300 га яқин жамоат бирлашмалари ва ноҳукумат ташкилотлар мавжуд. Улар фақатгина жамоатчилик фикрининг турли томонларинигина акс эттириб қолмай, кишиларнинг ижтимоий оғини шакллантиради. Президент фикрича, аввало демократик қадриятлар, ҳуқуқ, эркинликлар ва меҳнатқашлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишни керак. Бу вазифалар эса касаба уюшмалари Уставада ёзилган. Демак, улар касаба уюшмаларининг тўғридан-тўғри ишидир. Сессияда қабул қилинган «Нодавлат нотижора» ташкилотлари ҳақидаги қонун ўз моҳияти билан турли жамоат ташкилотлари учун ҳуқуқий фаолият доирасини ташкил этади. Бу эса касаба уюшмалари ва унинг етакчилари учун меҳнатқашларни ўз ортидан эргаштириш учун ўз иш услубларини тубдан ўзгартириши керак, дегандир.

ридлиди. Пленумда айрим корхоналарда иш шароитлари талабга жавоб бермаслиги мисоллар асосида қаттиқ танқид қилинди. Касаба уюшма тизими ўрта бўғинларида аёл раҳбарларнинг озчилигини ташкил қилишни таъкидлаб ўтилди.
Ёшлар билан ишлаш, тармоқда хизмат қилаётган ёшларни, таълим олаётган талабаларни халқимизнинг бойлиги маълумотлари бўйича ўтган йили тармоқда ишлаб чиқаришда шикастланиш шикастланиш аввалги йилга нисбатан 15 фоизга камайган, лекин ўлим билан тугаган воқеалар ҳамон учраб турибди.
Текширувлар таҳлили кўп қабатли раҳбарликлар юз бераётганини кўрсатмоқда. Ҳамон ҳимоя воситаларисиз ишлаш ҳолатлари кўп қабатли раҳбарликлар қондаларига амал қилинмайди. Ишловчилар зарур жиҳозлар билан таъминланмайди, яқна ҳимоя воситаларидан фойдаланилмайди, устидан назорат этилмайди.
Тармоқда ишлаб чиқаришда шикастланишни камайтириш, Давлат дастури ва Марказий кўмита тадбирларини самарали амалга ошириш мақсадларида хўжалик органлари билан ҳамкорликда 1999-2000 йилларда меҳнат муҳофазаси бўйича энг яқин жамоат назорати ва ҳафсиз меҳнат шароитини яратиш бўйича қўриқ-танлов ташкил этилди.
Бу йил тармоқ касаба уюшмаларида ўтказилган ҳисоб-саноатлар касаба уюшмаларида ташкил қилини, тарбиявий, оммавий-сиёсий ишлари даражасини оширишга хизмат қилмоғи керак.
Ҳисобот маърузаси юзасидан сўзга чиққан «Электротранспарат» жамияти ҳисобдорлик ҳақиқати бошқаруви раиси А.Алибоев, Наманган «Электротерм» заводи касаба уюшма кўмитасининг раиси М.Мусалимов, Андижон механика корхонаси касаба уюшма кўмитасининг раиси Т.Болтабоев, Тошкент «Авиация» давлат ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма кўмитаси раисининг ўринбосари Р.Элдорова ва бошқалар мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётини эркинлаштириш, меҳнатқашлар ижтимоий ҳимоясини яхшилаш, корхоналарда иш жойларини аттестациядан ўтказиш, банкотлик ёки корхонанинг тугатилиши оқибатида бўшатиш ҳодимларини қайта ўқитиш ва янги касба ўргатиш, уқувни ташкил этиш ва кадрлар тайёрлаш, меҳнатқашлар ва улар оила аъзоларини дам олдириш ва соғломлаштириш яхшилаш каби мавзуларда гапирди.
Малакалик мулоҳазаларини билдирди.
Будир ПУЛАТОВ.

Косон шахридаги ёғ-экстракция очик ҳиссадорлик жамияти жамоаси ўшбу йилни эър муваффақият билан бошлади. Маъмур жамиятда 1999 йилнинг биринчи кварталда ўтган йилгига қараганда 301 тонна кўп озукка мойи ишлаб чиқарилди.
Бундай юқори кўрсаткичга эришиш - заводда ишнинг яқин йўлга қўйилганлигидан далолатдир.
Ўтган йилда ўшбу жамият 15,5 миллион сўм фойда олган эди. Жорий йилни эса қаида уч барабар ортиқча соф фойда билан якунлаш режалаштирилган.
Завод ҳузурда сутни қайта ишлаш, хўжалик совун тайёрлаш, ёғни идишларга қадоқлаш ҳамда тикув чехлари ташкил этилган.
Суратларда: Ёғни қадоқлаш цехи оператори Абдулла ДОНАЕВ.
Ш.ШАРОПОВ (ЎЗА) олган сурат.



АНИҚЛИК - СИФАТ ГАРОВИ

«Ўздавстандарт»да республика семинари бўлди. Унда вилоятлар ҳамда ишлаб чиқарилаётган махсулот сифатини асбоблар ёрдамида аниқлайдиган ташкилотлар вақиллари иштирок этиди. Семинарни «Ўздавстандарт» билан Ўзбекистон стандартлаш, метрология ва сертификация соҳасида тадқиқотлар ва кадрлар тайёрлаш институти ташкил этиди.
Семинар катнашчилари ўлчов воситаларининг ҳозирги ҳолати, уларни синаш, текшириш ривожини истиқболларини кўриб чиқдилар. Турли махсулотлар ҳисоб-китоби ва кўламларини ўлчайдиган асбоблар ишлаб чиқариладиган корхоналарнинг метрология хизмати ходимлари давлат мустақиллигини мустаҳкамлашга ўз ҳиссаларини қўшиши, махсулотлардаги «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» деган ёзув нуфузини таъминлаш лозимлиги қайд этилди.
Учрашув давомида метрология соҳасидаги фаолиятга умумий баҳо беришга ёрдамлашадиган маъруза ва ахборотлар тингланди. Бу соҳа ҳозир ўз ривожига янги босқичга чиқаётгани қайд этилди. Айни пайтда синовлар, текширув ва метрология аттестациясини такомиллаштириш учун «Ўздавстандарт» ва унинг минтақавий марказларига қабул қилинган меъёрларга, хусусан, импортга чиқарилаётган асбобларга нисбатан талабларга риоя қилиш устидан назоратни кучайтириш таъкид этилди.
Семинар катнашчилари ўзaro тажриба алмашиш, амалий алоқаларни йўлга қўйиш, ўлчов воситалари кўрғазмаси, шунингдек, республикамиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган юқори сифатли махсулотлар билан танишиш имконига эга бўлдилар.

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Оролбўйи минтақаси аҳолисига тиббий хизмат кўрсатишда яна бир қулайлик яратилди. Халққаро Оролни қўтқариш жамғармаси Нукус бўлимининг ташаббуси билан Қорақалпоғистон Республикаси пойтахтида урология маркази очилди. Унда жигар, бўйрак, нафас олиш йўллари, таняч-ҳаракат органлари хасталиқларига чалинган беморлар замонавий асбоб-ускуналар ёрдамида аниқ ташхис қўйилиб даволанади. Тиббий ускуналар Исроилнинг «Форум LTD» фирмасидан келтирилди. Бунинг учун қарий икки миллион АҚШ доллари миқдорда маблағ сарфланди.

«Пилла - 99»

Фаргона вилояти пиллакорлари зафар қунди. Мўл пилла ҳосили етиштириш учун об-ҳаво бир мунча ноқулай келгани, ипак курти озқаси - тўт баргинин қарий 50 фоизи нобуд бўлганига қарамай кўзланган ҳосил етиштирилди.
Мавсумда 48 минг кути ипак курти уруғини парваришлаган «кумуш тола» ижодкорлари қабул пунктларида 2 минг 660 тонна қимматбаҳо саноат хомашисини етказиб берди.
Ҳар кути ипак курти уруғидан ўртача 52 килограмдан ҳосил олинди.
Пиллакорлар яна 250 тоннадан зиёд саноат хомашисини топшириш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.
(ЎЗА)

ФАРҒОНАЛИКЛАР МАРРАГА ЕТДИ

Фаргона вилояти пиллакорлари зафар қунди. Мўл пилла ҳосили етиштириш учун об-ҳаво бир мунча ноқулай келгани, ипак курти озқаси - тўт баргинин қарий 50 фоизи нобуд бўлганига қарамай кўзланган ҳосил етиштирилди.
Мавсумда 48 минг кути ипак курти уруғини парваришлаган «кумуш тола» ижодкорлари қабул пунктларида 2 минг 660 тонна қимматбаҳо саноат хомашисини етказиб берди.
Ҳар кути ипак курти уруғидан ўртача 52 килограмдан ҳосил олинди.
Пиллакорлар яна 250 тоннадан зиёд саноат хомашисини топшириш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.
(ЎЗА)

ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

- Вильнюс. Литва президенти Валдас Адамкус бошчилигидаги делегация икки кунлик ташриф билан Венгрияга жўнаб кетди.
Будапештда Литва президенти Венгрия ҳукумати билан давлатларо алоқалар бўйича музокара ўтказди. Шунингдек, учрашувларда Болкон минтақасидаги можабо бўйича ҳам фикр алмашилади.
ДОНЕЦК. Украинанинг Донецк вилоятидаги кўмир конларидан бирида кучли портлаш юз берди. Фалокат пайти шахтада 180 киши ишлаётган эди. Уларнинг 122 нафари омон қолди. Қидирув ишлари натижасида ҳозирга қадар 12 кишининг жасади топилди. Шахтада кўмир қазиб олиш тўхтатилган ва қидирувчилардан бўлак барча кишилар юқорига олиб чиқилган.
ТБИЛИСИ. Грузия ташқи разведка бошқармаси раиси Автондид Иоселиани мамлакат пойтахтида амалга оширилиши режалаштирилган террорчилик ҳаракати иштирокчиларини қўлга олишда АҚШнинг Марказий Разведка Бошқармаси иштирок этгани ҳақида оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарини рад этди. У Тбилисида анжуманида матбуот уюшмасида «Бизнинг МРБ, «Моссад» ҳамда Германия, Франция, Россия махсус хизмат бошқармалари билан яқин амалий алоқаларимиз бор. Бироқ Тбилисидаги террорчиликни режалаштирган гуруҳини қўлга олиш операциясини бошидан охиригача фақат Грузия махсус хизматлари амалга ошириши, бунинг учун бизнинг тузилмаларимизда керакли техника ва кадрлар бор», деди.
(ЎЗА)

Ўтмиш ва бугун, хотира ва келажак ҳақида ўйларканман, беихтиёр шоирнинг куйидаги сатрларини эслаيمان.

Боболарин борлаганлар эл бўлар,
Ўтмишини унутганлар қул бўлар...
Дарҳақиқат, биз узок вақт давомида ўтмишни унутишга маҳкум бўлдик. Кўзга кўринмас кишанларни кийиб яшашга, дилимизга ёт мафқуранни, шууримизга бетайин сафатани синдиришга мажбур эдик. Шукрки, озодлик ва эрк ишида ёнган боболар тилаги рўёбга чиқиб, мустақиллик яловини бошимиз узра баланд кўтардик. Истиклол берган имконлар сабаб бўлиб юртимизда жиддий ўзгаришлар юз бермоқда. Президентимиз бошчилигида ҳар бир юртдошимиз хар куни бир савоб ишга қўл урмоқда. Яқинда мухтарам Президентимизнинг Фармони билан белгиланган Хотира ва Кадрлаш кунини кенг нишонладик. У ўтганларни хотирлаш, тирикларни мўдум қадрлаш азаллий анъаналаримиз эканлиги, бундай кадрлятиримиз истиклол шарофати билан ҳаётбахшилик касб этаётганлигини яна бир намоёниши бўлди.
Миллат озодлиги, она юрт истиклоли, эрк ва адолатнинг мангу галабаси учун жон нисор этган, адоват ва зулмнинг маҳф этилиши, ҳақиқатнинг тантана қилиши йўлида машаққат чекканларнинг ёрқин хотирасини эъзозлашга даъват этаётган Президентимиз яна бир савобли ишга қўл урдилар.

Юртбошимизнинг Фармоиши билан мустамаккачилик даврида қатагон қилинган эрксевар ва юртпарвар инсонлар хотирасини абадийлаштириш, уларнинг ҳаёти ва фаолиятини, илмий-ижодий мезорсини чуқур ўрганиш бўйича жамоатчилик комиссияси тuzилди.
Бу хўшхабарни эшитганимда ҳаёлимдан кечган фикрларнинг барчасини сўз билан ифода этиш кийин. Аммо миллат дардида ёнган Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов, маърифат нуридан кўнгиллар кўзини очига интилган Фитрат, Чўлпон, Кодирий, «карагайларга «Кора кўзим»ни айтиб, Сибирларда қолиб кетган» Усмон Носиру яна неча минглаб юрт фидойиларининг порлоқ хотираси ёдимга тушади. Уларнинг айримларини эшитганимиз, баъзиларининг қаламига мансуб асарларини ўқитганимиз. Аммо биз билмаган, эшитмаганлар яна қанча деган? Шу боисдан ҳам Фармоишда комиссия ўз фаолиятини кенг жамоатчилик ва мутахассислар фикр-мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда ташкил этиши лозимлиги алоҳида уқтирилган.
Бугун бизнинг эътиборингизга ҳавола этилаётган «Армон» мақола-си ҳайрли йўлдаги илк изланишлардан биридир. Уйлаймизки, муштарийлар ўзлари билган қатагон қурбонлари ҳақида бизга ёзиб юборадилар.

1933 йилнинг 3 март куни. Эрта тонг. Хали қуёш бош кўтариб ўзининг заррин нуруларини борлиқ узра сочиб улгурмаган. Атрофни баҳорий шудринг қоплаган. Богда қушларнинг чуғур-чуғур сайраши, паҳса девор устида қанотларини қоқиб қичқираётган хўроз товуши тонгдан дарак берад эди. Пўлатхўжа ака шу хўроз қичқирғидан уйғониб, бог этағидаги қойига тушди. Юз-кўнларини ювди. Дорда осийлик турган оппоқ сочқика артинди. Шу топда кўча эшикни кимдир қаттиқ тақиллатгандек бўлди. У шудхам қадам билан бориб эшикни очди. Эшик орқасида эса икки қуролланган киши турарди.
Пўлатхўжа Сиддиқхўжаев ... ден бўласанми? - деди йўғон овозда, улардан бири. - Қамоққа олиндинг. - Сабабини маҳкамга борганимда биласан.
...Улар Пўлатхўжанинг қўлига кишан солишиб олиб кетишди. Дераза ойнасидан нима бўлаётганига ақли етмаган 6 йилли жижжигна қизалоғи Мунисхон мўлтиллаб ота ортидан бўтадек бўзлаб қолди.
1922 йили Пўлатхўжа отаси Сиддиқхўжа ака Кавардон қишлоғида фожели ўлдирди. Уч қиз ва икки ўғил.

Қатагон қурбонлари

либ ётганда, онаси Сарвинисо ая номидан Фафур Фуломга ҳазил тарикасида куйдаги шеърни ёзган:
Ёру дўст келди, ҳамон
Фафур уқанг бир келмади.
Дард чекиб бўлдинг ёмон,
Фафур уқанг бир келмади.
Сен деган эрднинг укам
Ахрор ила бўлдинг икков,
Бўлмади сен ўйлаган...
Фафур уқанг бир келмади.
Келмаса ҳам бўлсин омон-
Дўстларнинг барчаси,
Энг қадрли жонажон
Фафур уқанг бир келмади.
Фафур Фулом бўлса шеърни олган кунийк «Ойи, қиш ҳавоси ёмонда», - дея Сарвинисо ая олдиға қулиб қириб келган экан.

АРМОН

1932 йили Пўлатхўжа ака Кавардон қишлоғида чорвачиликни ривожлантириш мақсадида Россиядан бир ярим минг бош қўй олиб келди. Лекин орадан бир неча ой ўтгач, ана шу олиб келинган қўйлар юқумли касаллик қалиниб, бирин-кетин нобуд бўла бошлади. Шунда Пўлатхўжа ака қўйлар бечора ҳаром ўлмасин, дея уларни оқ-наҳор кун кечираётган дехқонларга тарқатади. Лекин, бош хисобчи Гилмиддин тарқатилган қўйларнинг руйхатини раиснинг хонасидан ўғирлаб чиқиб, ёқиб ташлайди. Раисни кўролмайдиганлар билан тил бириктириб, жамоа хўжалигининг бир ярим минг бош қўйини системавол қилиб юборди, деб юқори ташкилотга шикоят ёзишди. Текширишлар пайтида дўқ-пўписалардан кўрққан одамлар биз қўй олмаганимиз, дейишди.
1933 йил март ойининг тонг саҳарида раисни олиб кетишди. Орадан бир ой вақт ўтгандан сўнг 1 апрел куни бўлиб ўтган суд мажлисида Пўлатхўжа Сиддиқхўжаев жамоа хўжалиги мулкани талон-тарож қилишда айбонлиқ, энг олий жазога - отишга ҳукм қилинди.
Пўлатхўжа ака ивгоарларнинг тухматлари туфайли ноҳақ қамалганлигидан норози эди. Шу боисдан ўлим камерасида ётганда ҳам ҳақиқат учун курашди. У ҳақиқат бўлиса-да, аммо ҳеч қачон синмаслигига ишонарди. Шунинг учун ҳам энг яқин дўсти, Ўзбекистон Халқ комиссарлари Советининг раиси Акмал Икромовга шеърини мактуб йўллаб, ундан ёрдам сўрайди. Шеър шундай ёзилган эди:
Ариза ёздинг авф сўраб,
Мен ғариб, Акмал оға.

қўрққан Олий суд Пўлатхўжа Сиддиқхўжаевни 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилади.
Ақаси қамалган пайтда синглиси Умринисо Малика онаси билан Тошкентдаги Обидов номили Совет қурилиши ва ҳуқуқи институтининг ишчи факультетига ўқирди. Ушанда Умринисо ая факультетда қотибаси эди. Кўнлардан бир кун институтда ўтказилаётган йилгилишда курсдошларидан Адаш Тожев деган йигит сўзга чиқиб, «Бизнинг орамизда қўй терисига ўралганлар ҳам бор» деганида, залда ўтирганлар очқироқ гапиринг, улар кимлар дея шовқин солишди. Шунда у: «Халқ душмани бўлган одамларнинг сингиллари Умринисо ва Малика Сиддиқхўжаевлар биз билан ўқимоқдалар, уларга бизнинг орамизда ўрин бўлмаслиги керак», дейди. Умринисо сўзга чиқиб: «Мен акамнинг қарамоғида эмасман, тракторчи умр йўлдошим. Рашидхўжа Ғозижўжаев қарамоғидаман», дейди. Паркентлик Наримон Тулаганов (бу киши бир неча йил ноқариял идорани бошқариб келганлар) сўзга чиқиб, «Ака учун сингиллар жавоб бермайди, улар институтимизнинг фахри, фаол талабаларимиздан», дея уларни ҳимоя қилди.
Лекин «халқ душманининг синглиси» деган тамга унга сира тинчлик бермасди, ҳар қадамда таъқиб қилаверарди. Охири Малика институтни ташлаб, қишлоққа қайтишга мажбур бўлди.
Ана шундай изтиробли дамларда онаси Сарвинисо аяга «Мана кўрасиз, акамнинг нуноҳи йўқ, у албатта келадими» дея далда берарди. Афсуски, жу-

доллик аламига чида олмай, ўглини қутқута Сарвинисо она бу дунёдан армон билан кўз юмдилар.
Синглиси Умринисо эса ишга жойлаша олмай, сарсон-саргардон бўлди. Чунки у қаерга учрашмасин, идора раҳбарлари «Халқ душманининг синглисини ишга олишга қўрқшарди».
Пўлатхўжа ака қамоққа олинган, унинг умр йўлдоши Файзинисо ва қизи Мунисхонга ҳам кун беришмади. Улар яшаб турган уйда оздон тинтув ўтказишиб, Пўлатхўжа ака ёзиб қолдирган шеър ва фазаларни топиб олиб, ёқиб ташлашди.
1940 йилларга келиб «Қамалган ота учун бола, бола учун ота жавобгар эмас» деган қарор қидио бир оз уларнинг ҳаётида ҳам «ўзгариш» пайдо бўлди.
Мен яқинда қатагон йилларининг ноҳақ қурбони Пўлатхўжа Сиддиқхўжаевнинг қизи Мунисхон ая Пўлатхўжаева хонадониди бўлдим, у билан ўзук сўхбатлашдим. Онахон шу вақтгача отасининг қабри қаерда эканлигини билмаслигини айтди.
Уша куни Мунисхон ая муқоваси титилиб кетган «Гулистон» журналининг 1971 йилги 5-сонида таниқли журналист ва олим Тохир Фидаевнинг «Улар биринчилардан эди» сарлаҳавали мақоласини кўрсатди. Мақолада куйидаги сўзлар битилган: «Суратда Ўзбекистон ишчи-деҳқон мухбирлари делегациясининг аъзоларини кўриб турибсиз... (А.Ёқубов Москвага делегация раҳбари, «Қизил Ўзбекистон» газетаси вақили бўлиб борган), ёнида Юқори Чичик туманидаги Кавардон қишлоғидан дехқон-мухбир Пўлатхўжа Сиддиқхўжаев ҳам бўлган. Афсуски, суратнинг Пўлатхўжа Сиддиқхўжаев тасвирланган қисми йиртилиб кетган. П.Сиддиқхўжаев энг фаол ишчи-деҳқон мухбирлардан эди».
Сочлари оқариб, юзларига ажин тушган, кўзларига қўзоянақ таққан Мунисхон ая титроқ қўллари билан дутор торларни чертади, отасининг қамоқхонада ёзган шеърларини куйлайди:
Гул юбординг сен менга,
Гулдек юзимиз сўлмасин.
Гулнинг гўнчаси қаби
Кўнгилга қонлар тўлмасин.
Гул қаби рухсорларнинг тез кунда мен кўраин,
Мақсадимизга етайлик, бошқа қайғу келмасин.
Оққа қиксин дея оғам оқ пахталар юбориб,
Дастанлаб гуллар теришда
Кўл, кўзинг дард кўрмасин.
Гулни олиб қидладилар ёнимдаги ўртоқларим,
Ҳеч кишининг биз қаби кўзлари терулмасин!
Мана, эллик йилдирки, Мунисхон ая дутор чертиб «халқ душмани» тамғаси билан қамоққа олинган отасини йўқлайди. Лекин отасидан ҳамон дарак йўқ. Армон эса аянинг юрагига тошдек ботиб қолган.
Латифжон МАНСУРОВ.

# ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ САРИ

## ҲОКИМИЯТНИНГ МУСТАҚИЛ УЧИНЧИ ТАРМОҒИ

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси XIV сессияси ҳужжатларида суд-ҳуқуқий соҳасига дахлдор ислохотларни чуқурлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Бектемир туман судининг судьяси Мухаррам СОДИКОВНИНГ фикр-мулоҳазалари шу хусусда.**

Оддий деҳқон оиласида туғилдим. Ота-онам умр бўйи ҳалол меҳнат қилиб, она заминни эъозлашди. Ҳалоллик, поклик, одмиллик, инсоний гурур оиламизнинг асосий бойлиги эди. Биз ҳам меҳнат билан вояга етдик, ҳаётнинг аччиқ-чучугини татидик. Уша кезлар ҳуқуқшунос бўлишни дилимга тугдим. Баъзилар ажабланишди. «Юрист бўладиганлар бошқача оиладан чиқади» деб камситганлар ҳам бўлди. Бироқ, мақсад сари дадил интилдим. Орзу қилган олий билимгоҳга қабул қилинишим таъбир жойиз бўлса адолат тантанаси эди.

Мустақил Ўзбекистонимизда қонун устувор. Фуқаролар ҳақ-ҳуқуқлари Асосий Қонуимизда қонуний кафолатлаб берилган. Олий Мажлис XIV сессиясида бизнинг олдимишга ўта масъулиятли вазифалар қўйилди. Тарихий ҳужжатлардаги «факат қонунга бўйсунувчи суд, судьялар эса қонуний ҳуқуқларга, ўз виждонига амал қилиб, айбловчи ва ҳимоя қилувчи томонларнинг фикрларини ҳолисона ҳисобга олиш асосида мустақил равишда адолатли, қонуний ҳукм чиқаради». Бу сўзлар ҳаётимизнинг дастуриламали бўлиб хизмат қилади.

Салкам 20 йилдан буён шу туманда яшайман, 13 йилдан буён судьяман. Агар касб-корга садоқатим бўлмаганида бу даражада эътиборга сазовор бў-

ла олмадим. Судья учун ҳолислик асосий мезон. Инсон тақдирини билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда юз ўлчаб, бир кесига ҳаракат қилаймиз. Шу пайтгача виждонга ҳилоф равишда иш тутмадим. Маҳаллаларда, меҳнат жамоаларида тез-тез бўлиб ёшлар ўртасида тарғибот ишларини олиб боришга алоҳида эътибор қаратаймиз. Мустақиллик ҳамда хурматли Президентимиз томонидан 1999 йил-Аёллар йили, деб эълон қилиниши шарофати билан хотини-қизлар қадри ўн чандон ошди. Қувончлиси шуки, эндиликда суд органларига фуқаролар уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини мустаҳкам ҳимоя қилувчи омил сифатида қарамоқдалар. Суд-ҳуқуқий соҳасидаги ислохотлар чуқурлаштирилгандан кейингина Президентимиз таъкидлаганларидек, «Ҳозир судни жазоловчи орган, деб биладиган одам судга ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини, манфаатларини ҳимоя қилиши лозим бўлган орган сифатида мурожаат қиладиган бўлади. Ана шундагина суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақил учинчи тармоғига айланади».

Жиноятга жазо муқаррар. Бу оддий ҳақиқатни барча чуқур идрок этиши, жамият, ҳалқ олдидаги бурчини асло унутмаслиги керак. Яқинда бир аёлни 14 йилга ҳукм қилдик. Аввало инсон, аёл сифатида унга ақиндим. Бироқ қарши-мақсада катта маблағни ўмарган жиноятчи турарди. Бурчимизни адо этдик. Залдагилар ҳукмини қатъий маъқуллашди.

Баъзан узок вақт суддаги оғир жараён вужудини тарқ этмайди. Бироқ ҳолислик, адолат фаолиятимиз асосий мезони бўлаётганлигини ҳис қилиб қувонаман. Энг қувончлиси жазо муддатини ўтаб келган баъзи кишилар: «Раҳмат, вақтида кўзимни очдингиз. Энди ҳаётда ўз бахтимни топаётман» дея мурожаат қилишларидир.

## ҚАЛБИ ҚУЁШ ОНАХОН

Раънохон опани Наманган шаҳрининг «Чорсу» бозори дарвозаси олдида тасодифан учратиб қолдим.

Чорак асрлик танишимга назар ташлайман. Қанчалик оқ кўнгил, серҳаракат ва ўзига тинч бўлмаган, барибир, йиллар ўз ҳукмини ўткази бошлаган. Наманган вилоятидан ташқарида ҳам кўпчиликка таниш Раънохон Тошпўлатовани тақдир фарзанддан қисган эди. Аёл номдор шифокорларга ҳам учради, турли шаҳарлардаги марказий шифо масканларида даволанди, турмушини ўзгартирди, бефойда кетди. Охири мардлик қилди. Ўзи ёқтириб теккан умрдошига бошқача уйланишга рўхсат берди.

Раънохон кенг дунёга сиғмасдан юрган ўша кезларда кўшни Чуст туманига йўли тушиб қолади. Ишларини битказиб қайтаётганида шаҳардан чиқа берилган маҳалланинг хаги ола-укага кўзи тушиб қолади. Аёл эмасми, болаларнинг эгни гоят юпунлиги, куз совуғи бошланганлигига қарамадан ялангоёқ ҳолда дийдираб ўтирганларини кўриб чўнтаги-

дан бир жуфт конфет чиқариб қўларига тутқазди-да сўрайди:

- Нега йилгапсизлар?
- Қорнимиз очиб кетди.
- Уйларингга киришлар, оналаринг нон берсин.
- Онамиз йўқ.
- Стангиз-чи?
- Улар ҳам... - дея қизча бор овози билан додлаб юборди. Болакай ҳам унга қўшилди.
- Уйингизда яна ким бор?
- Ҳеч ким йўқ.

Раънохон ўзини базўр бошиб болаларни етаклаганича ичкарига кирди. Бу ердаги ҳолатни тасвирлашга сўз охири эди. Ҳовлидан қайтиб чиқиб кўшни дарвозани таққиллатди. Паспортини кўрсатиб ўзини таништирди ва болаларни Косонсойга - уйига олиб кетаётганини айтди. Мавлуда ва унинг укаси Раҳмонжон ана шу тариқа опага фарзанд бўлишган. Ҳозир Мавлуда оила қуриб болачақали бўлиб кетган. Раҳмонжон ҳам вояга етган уйланди ва турилган уйига қайтиб бориб ота-она чирогини ёқди.

Улардан кейин ота-оналаридан айрилган Мирзақосим, Абдуманнон, Дилбархон, Йўлдошбой, Майрамхон ва тагин бошқа қатор етимлар, ота-онасидан у ёки бу сабаб билан жудо бўлган норасидалар Раънохон Тошпўлатованинг иссиқ бағридан паноҳ топишди. Уларнинг баарини опахон тарбиялади, ўқитиб, хунарли қилди, уйлаб-жойлади.

- Ўзимни бахтиёр оналардан бир жуфт конфет чиқариб қўларига тутқазди-да сўрайди:

## Меҳр ва қаҳр

дан ҳисоблайман, - дейди ҳозир пенсияга чиқиб кексалик гаштини сураётган Р.Тошпўлатова. - Фарзандларим ўн бир нафарга етган бўлса, набираларим ўлтиздан ошиб кетди. Агар бирон сабаб билан бир вақтда тўпланасан, ҳовлига сиймай кетамиз.

... Косонсой шаҳрининг Ҳамид Олимжон кўчаси, 10-уйга келадиган мактублар оқими узилмади. Уларнинг аксарияти Раънохон опанинг турли шаҳарларда яшаётган ёки армия сафида йигитлик бурчини ўтаётган фарзандларидан, набираларидан, меҳри қуёш аёлга олиш ҳисларини ёзган инсонлардан келди.

## «ФАРЗАНДИМДАН ВОЗ КЕЧДИМ»

Шаҳар маданият саройи олдида кун чикар томонга қараб кетган Бобур шох кўчасидан йигирма беш-ўттиз қаданга нарироқда анча йиллар илгари қурилган икки қаватли муҳташ бино бор. Бу иморатнинг ёз ойлари гуллар чамандек очилган мўъжазгина ҳовлисининг ўртасида тўп уйнаб турган бахтиёр боланинг ҳайкаласи бўларди. Негадир кейинчалик кўринмай қолди. Сабабини сўрадим.

- Ичкарига, иккинчи қаватга киритиб қўйдик, - жавоб қайтарди катта фельдшер Файратжон Умаров.

Очигини айтсам, шундай қилингани менга маъқул келди. Боиси, бу ерда Наманган вилоятлараро 6-сонли ногирон болалар уйи жойлашган. Ичкарида тарбияланаётганларнинг «ичкарида» сўзига атайлаб урғу бермайлман. Негаки, (улар фақат хоналарда умр кечиряшди) юзларидида ҳайкалада акс этганидек бахтиёрлик ҳисларини учратиш мушкул. Аксарияти биров кўмағида юра олишадилар ва шу йўл билан овқатланишади. Бинобарин, бу ерда ўзга болалар уйларига қараганда ҳодимлар ҳам, шифокорлар ҳам кўп. Аникроқ ифодаланганда, ҳозир ушбу масканда 81 нафар ногирон ўғил-қиз мавжуд бўлса, ҳодимлар сони улардан ортик. Ёки уч олий ва ўн тўққиз ўрта малакали тиббиёт ходими, жами 90 нафарга яқин киши меҳнат қилади.

- Бизга Самарқанд ва Қашқадарё, Андижон ва Фарғона ҳамда бошқа вилоятлардан ота-оналар ногирон фарзандларини олиб келадилар, - дея ноҳуш ҳикоясини давом эттиради Файратжон. - Кичкинтойларни биз ўн уч ёшигача тарбиялаймиз. Уйдагилари келиб олиб кетишмас, кейин уларни Андижон вилоятининг Қўрғонтепа туманидаги ногиронлар уйига ўтказамиз.

- Болалардан вақтида ҳабар олиб туришадими? сўрайми сўхбатдошимиздан.

ҳам бор. Қолдириб кетганларича мутлақо қорасини кўрсатмайдиганлари ҳам топилади. - Ф.Умаров анча сўкутга толғач, кўшиб қўйди. - Энг ачинарлиси, баъзи бировлар манзилимизни сўраб-суриштириб топиб келишадилар, ўзларини дурустроқ таништирмасданок, боласини қолдириб жуфт-такни ростилашади. Тагин «фарзандимиздан воз кечдик» деган ёзувни ташлаб кетишни ҳам унутмайдилар. Биз ҳам рўйхат китобимизга гўдақлар исми-шарифи каторига «воз кечилган» деган сўзни тиркаб қўямиз.

Дарҳақиқат, гарчи такрорлаш саналса-да, гўдақларда не айб? Аслида болаларнинг шундай ҳолатда дунёга келишларига кўпчилик ота-оналарнинг ўзлари сабабини эмасми? Норасидаларга қарайсиз-у томоғингизга нимадир иссиқ нарсани тикилгандек бўлади. Кўзларини ёш пардаси қоплайди. Наҳотки, ўзининг пушти камаридан дунёга келган гўдақнинг нигоҳлари тушишга кирмас, бўтадай бўзлашлари қулоқларига эшитилмас! Кимлардир тирноққа зор, кимлардир ўз фарзандларидан безор, деб шунини айтсалар керак-да. Ногирон бўлса-да фарзандингиз-ку!

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» муҳбири.**

## Турмуш чорраҳаларида

**Махмудовлар хонадонини Бухоро шаҳрида педагог-мураббийлар оиласи, деб аташади. Оила етакчиси Толибжон Жўраев мусика мактабида ёшларга сабоқ берса, хонадон соҳибаси, уч нафар ширин фарзанднинг суюкли онажони Музалям Махмудова эса Бухоро педагогика техникумида ишлаб келади.**

Нима бўлди-ю 1998 йилнинг августига келиб билим юрти, маъмурияти штат қисқарди, баҳонасида меҳнат таътилидан қайтган муаллимани ишдан бўшатди. У дастлаб ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиб, тегишли ташкилот, тизилмаларга мурожаат этди. Аммо турли идоралардан билдирилган талабномаларни техникум директори К.Шодиева негадир инobatга олмади. Ҳатто вилоят тармоқ ка-

## ИШГА ҚАЙТА ТИКЛАНДИ

саба уюшмаси вакилларининг аралашуви ҳам маъмурият ҳулосасини ўзгартири олмади. Шундан сўнг инсоний ҳақ-ҳуқуқи камситилган, 20 йиллик иш стажига эга бўлган муаллима Бухоро шаҳар Тўқимачилик туман судига даъво аризаси билан мурожаат қилишга мажбур бўлди. 1998 йил 16 ноябрь Ф.Файзуллаев раислигида бўлиб ўтган суд йиғилиши масалани кўриб чиқиб, адолатли қарор қабул қилди.

Касаба уюшма раиси З.Остоновнинг ҳулосаси барчани ҳушёр тортирди. Чунки унинг судда берган кўрсатмасига кўра техникум маъмурияти Махмудовани ишдан бўшатиш ҳақидаги тўхтама қарарни жараёнда ёзма равишда касаба уюшмаси розилигини олмаган. Бу, меҳнат қонунлари талабларига мос келмайди.


Меҳнат Кодексининг 102-моддаси 2-бандига кўра меҳнат шартномаси ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар ҳодимлар сони, штати ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тўғатилганлиги муносабати билан бекор қилинганда бу ҳақда ҳодим камиди икки ой олдин огоҳлантирилиши қайд этилган. Аммо техникум маъмурияти бу муҳим талабни унутган. Устига-устак маъмурият даъвогарнинг ишдан бўшатишга ҳақидаги буйруқ ва меҳнат дафтарида уша кезде эмас, балки анча вақт ўтгач, аникроғи вилоят тармоқ касаба уюшма кўмитаси аралашгандан сўнггина берган. У киши билан ҳисоб-китоб қилиши шарт бўлган маъмурият бу сафар ҳам бу ваколатни бажармаган. Шу билан бир қаторда маъмурият ҳаракатида Меҳнат кодексининг 101-моддаси талаблари ҳам инobatга олинмаган. Шу боисдан ҳам суд даъвогарнинг талабини қаноатлантириш тўғрисидаги адолатли тўхтама қарар келди. Хуллас, М.Махмудова 29 август 1998 йилдан бошлаб ишга қайта тикланиб, келтирилган моддий ва маънавий зарар ундириб бериладиган бўлди.

**Усмон НАВРЎЗ, «Ишонч» муҳбири.**

# ҚОНУН БАРЧА УЧУН БАРОБАР

Мустақиллик шарофати ила мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятида ўз макенини тиклаб олиш имконига эга бўлди. Шу боис, фуқароларимизнинг ҳуқуқий билимларини оширишга катта эътибор берилмаётган. Бу - кучли давлатдан - кучли жамиятга ўтишда муҳим қадамдир.

**Суратда: Тумандаги 2-ўрта мактаб ўқувчиларининг прокуратура терговчиси, 1 даражали ҳуқуқшунос Шавкат Бозоров билан учрашув пайти. Тўлқинбой КАРИМОВ олган сурат.**



- Ҳаммаси Ҳатирчи туман Халқ банкда раҳбарнинг алмашинишидан бошланди. 1998 йилнинг октябр ойидан мансаб курсисига Рустам Усмонов ўтирди. У дастлабки кунларини ҳодимларни ўргатиш билан ўтказди. Кейин асосий эътиборни иш-ни тўғри ва қонуний ташкил қилишга қаратди.
- Меҳнат интизомига риоя қилиш-муваффақиятимиз гарови.
- деди у жамоа аҳлига.
- Шунинг учун янги йилдан бошлаб, барчамиз шартнома асосида фаолият кўрсатишимиз керак. Шунда ҳар бир кишининг бурч ва вазифалари қатъий қилиб белгиланиб, самарали ишлашимизга имконият бўлади. Аиникса, маъмурият билан касаба уюшмаси ташкилотни алоқаларини мустаҳкам негизда умумманфаат муштараклигида кўришни истаётман.
- Шундай бўлди ҳам. Жорий йилнинг 2 январ куни маъмурият ва ҳодимлар ўртасида меҳнат шартномалари имзоланди. Тарафларнинг мажбурият, асосий шартлар ҳамда жавобгарликларини аниқлаб олинди. Бироқ, риосоладагидек тартиб-қоидалар қозғода қо-

либ кетди. Аслида янги бошлиқ аввалдан ўйлаб юрган режаларини тезроқ амалга оширишга киришганди. Негаки, мансаб-ўткинчи, бинобарин имкон борида ундан фойдаланиб қолмоқ керак эди....

Орадан уч ой ўтар-ўтмас ҳайдовчи-инкасатор Рустам Ҳайруллаевни қабулгача қаққириб: - Мен ташкилотдан узокроқ жойда яшайман. Иш ва топшириқлар юзасидан кечкурун ҳам, кундузи ҳам менга машина керак бўлаяпти. Шу сабабли ихтиёрингдаги техника уйимда туриши керак. Сен эса туман марказида яшайсан. Шунинг учун ўзининг бошқа жойдан иш қидир, - деди виқор билан банк бошқарувчиси. Р.Ҳайруллаев гангиб

қолди. Чунки у бу ерда ўн бир йилдан бери меҳнат қилар, раҳбарлар тез-тез алмаштирилиб турган бўлса-да, уларнинг ҳеч бири бундай зайлда турткиламаганди. Иш жараёнида бирон маротаба танбёҳ олмаган. Бу-

Шу-шу сарсон-саргардонлик бошланди. Қарамоғида беш нафар кишии бўлишлигига қарамай, у бир неча ойдан бери маошисиз яшамоқда. Банк бошқарувчиси эса беларво, лоқайд, Бировнинг тақди-

нинг устига яқинда тузилган меҳнат шартномасида кўрсатилган мажбуриятларини ҳам бузмаган. Демак, ишдан бўшатилишига асло асос йўқ. Хуллас, у бўлди-бу бўлди. Р.Ҳайруллаев меҳнат таътилига мажбуран чиқарилди. Таътил тугагач, яна ишхонага қайтди. Бироқ, раҳбар ҳали ҳам шаштидан тушмаган экан....

## ЧОРШАНБАГА ЎТАР КЕЧАСИ

моқчи бўлишди. Лекин юқорига чиқарадиган нарвон йўқ эди. Телевизорни сариқ матога ўраб, шаҳарнинг шимол томонида жойлашган дала ҳовлилардан бирига олиб боришди. У ерда қаровсиз ётган ташландиқ эски машинанинг буджаси ичига ўнгилган нарсаларни яшириб қўйишди. Орадан бир ҳафта ўтгач, Назиржон Аҳмедов телевизорни шу ерда яшовчи фуқаро Тошмирза Пирақовнинг дала ҳовлисига олиб борди. Унга телевизор ўзиники эканлигини айтиб, вақтинча сақлаб туришни илтимос қилди. Олиб борилган тергов-қидирув натижасида ушбу телевизор топилиб, далилий ашё сифатида олинди.

Шундай қилиб, Назиржон Аҳмедов таниши Қосим Одилов билан биргаликда хонадон эгасига 78000 сўм миқдорда моддий зарар етказиб, ўзларининг ноҳуя ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисмининг «б» бандида кўрсатилган жиноят аломатларини содир этди. Суд ҳукмига кўра, Назиржон 5 йилга, Қосим эса 6 йилга озодликдан маҳрум этилди.

**А.ТОЛИБОВ, Нуробод туман Ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция подполковниги.**

## МАНСАБ – ИМТИЁЗ ЭМАС, МАСЪУЛИЯТ

нинг устига яқинда тузилган меҳнат шартномасида кўрсатилган мажбуриятларини ҳам бузмаган. Демак, ишдан бўшатилишига асло асос йўқ. Хуллас, у бўлди-бу бўлди. Р.Ҳайруллаев меҳнат таътилига мажбуран чиқарилди. Таътил тугагач, яна ишхонага қайтди. Бироқ, раҳбар ҳали ҳам шаштидан тушмаган экан....

Бироз сабр қил, сенга идора қоровуллигини бераман! - деди қатъий оҳангда бошлиқ,

ри уни қизиқтирмай қўйган. Чунки, ҳайдовчи-инкасатордан тортиб олинган «УАЗ» русумли 31514-31 рақамли давлат белгиси қўйилган машина янги раҳбарнинг қишлоқдош кўшнисини Улуғбек Тошев ихтиёрига бериб қўйилганди. Унинг ҳеч қандай ҳужжати бўлмас-да, қирақашлик билан шўғулланиб юрибди.

Шу-шу сарсон-саргардонлик бошланди. Қарамоғида беш нафар кишии бўлишлигига қарамай, у бир неча ойдан бери маошисиз яшамоқда. Банк бошқарувчиси эса беларво, лоқайд, Бировнинг тақди-

шув ўтказди. Шу фурсатдан фойдаланиб, Р.Ҳайруллаев ўз «дардини» айтди. Вақил ушбу масалани ихобий ҳал қилиниши учун маҳаллий раҳбарларга топшириб берди. Аммо банк бошқарувчиси бу йиғилишга келмаганди. Боиси, вилоят вакили олдида қизаришни истамай секингина шифохонага «ётиб» олган эди.

Орадаги шов-шувлар бироз босилгач, мансабни катта имтиёз, деб ҳисоблаб юрган Р.Усмонов, ниҳоят, 1999 йилнинг 23 март куни Р.Ҳайруллаевни вазифасидан озод этилиши тўғрисида буйруқ чиқаради. Ишдан бўшатилишга амалдаги меҳнат қонунчилигининг 97-модда 2-банди важ келтирилган. 18 мартда қасаба уюшмаси йиғилишининг қарори эса асос қилиб олинган эди. Қонунбузарликка чидай олмаган фуқаро ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун республика касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига мурожаат қилади. Шикоят Ўзбекистон Давлат маассасалари ва жамоат хизмати ҳодимлари касаба уюшмаси Марказий кўмита раиси Д.Алимуҳжаева ҳамда тармоқ касаба уюшмаси Навоий вилоят кўмитаси раиси Ш.Халилов иштирокида атрофлича ўрганиб чиқилди. Натижада Халқ банки Янгиробод бўлими маъмурияти томонидан Р.Ҳайруллаевни вазифасидан озод этилишида Меҳнат кодексининг 6,8,97, 100 ва 101-моддалари кўпол равишда бузилганлиги аниқланди. Шу боис, бўлим бошқарувчиси Р.Усмоновга 18-мартдаги 41-сон буйруқнинг 2-бандини бекор қилиш топширилди. Ҳайдовчи-инкасатор ўз вазифасига тикланди. Оралиқ вақт учун иш ҳақини ундириб бериш маъмурият зиммасига юкланди.

**Муродулло ҒАФУРОВ.**

**ЎНГИ КЎНГИРОҚ**



Дўстлар даврасида яйрашиб, кувнок ўтди ўқувчилик кўп уйинқароқ,  
Биз-ла хайрлашма, жонажон мактаб,  
Бир дам чалинмай тур, сўнги кўнгироқ.

Бунча тез ўтибсан, болалик даврим-  
Дея мен ўзимга бераман сўроқ,  
Болалигим қайтмас энди ҳеч қачон,  
Чалинишга шошма, сўнги кўнгироқ.

Учирма қушлардек учмоқдамиз биз,  
Кўнглимиз яқин-у уртада фироқ,  
Бугун гувоҳнома берилмиш кўлга,  
Бир дам чалинмай тур, сўнги кўнгироқ.

Бир умр қарздорман, устозлар, сиздан,  
Кўмсайман сўзингиз гар бўлсам йироқ,  
Бизларни кўтмоқда катта йўл — ҳаёт,  
Бир дам чалинмай тур, сўнги кўнгироқ.

Дилимдаги барча эзгу тилагим  
Сизга қанча айтсам, тугамас бироқ,  
Хайрлашиш менга нақадар оғир,  
Чалинишга шошма, сўнги кўнгироқ,  
Зебунисо БОЛТАЕВА.

Юртимизнинг барча мактабларида сўнги кўнгироқлар янгради. Синфларга чорлагувчи таниш сас мактаб битирувчиларини муқтаб қилди ҳаётда чорлади. Калбларда орзулар чарх уради. Дил меҳробиди шу азиз Ватан, табаррук замин, дил эҳромида аждодлар ёди, меҳрибон мураббийлар меҳри...

Бугун мактаб остонасидан ҳайбта кўнгироқ кўнгироқ барча барчанинг юрагиди ҳаяжон, калбиди гурур. Устозлар берган илм билан, мамлакатимиз равнақи учун ўз ҳиссаларини қўшиш, «Элим деб, юртим деб ёниб яшашни мақсад қилганлар улар. Тошкент вилояти Урта Чирчиқ туманидаги Бахтиёр Йўлчиев 15-мактаб ўқувчиларининг ҳам республикамиздаги минг-минглаб ёшлар қатори қалбидан қалқан орзулардир бу.

Маазкур мактабга афгон тупроғида шайх кетган мард ўғлон Бахтиёр Йўлчиевнинг номи берилган. Мактаб битирувчилари марҳумнинг шарафига очилган музейни яна бир бор кўздан кечириб, унинг бюсти пойига гулчамбарлар қўйдилар. Соёқ мактабдошларининг қисқа, аммо сермазмун ҳаёт йўлини ёдга оладилар.

### ОРЗУЛАРИ ДУНЁЧА БОР

Тумандаги «Пахтаобод» кишлоқ фуқаролар йиғини раисаси Тамара Абдуҳақимова ҳаёт остонасиди ёшларни табриклар уларга оқ йўл тилади. Мактабдаги аълочи, жамоатчи ўқувчилар учун Бахтиёр Йўлчиев номи стипендия таъсис этилганлигини мамнуният билан эълон қилдилар ва олти нафар ўқувчи топширдилар. Бу мактабда барча тадбирлар яхши йўлга қўйилган. Илмгоҳ атрофлари кўкчаларда ширинлиб, боғда яхши ниятлар билан манзарали ва мевали кўчатлар ўтказилган. Ўқувчи ёшлар мактабда ташкил қилинган эга соғломлаштириш оромгоҳида шу сара меваларни таъовул қилдилар.

Туман таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси кўмитаси раиси Собиржон Музаев ҳам битирувчиларни кутлади ҳамда Бахтиёр Йўлчиевнинг ота-онасига энг сўлим оромгоҳларга дам олиш учун бепул йўлланма берди.

Мароқли ўтган сўнги кўнгироқ тадбирида мактаб ўқувчиларидан иборат «Бойнеча» дастаси ўзларининг дилрабо куй-қўшиқларини икром этдилар.

Мактаб директори, халқ маорифи аълочиси Мавлуда Маматқуллова ва барча устозлар ҳаёт остонасиди турган ўқувчиларга эзгу тилақлар билдирдилар.

**Фазилат ҲОЖИКУЛОВА.**

Суратда: «Пахтаобод» кишлоқ фуқаролар йиғини раисаси Тамара Абдуҳақимова мактаб музейи экспонатлари ҳақида сўзламоқда.

**Г.ХАРИТОНОВ олган сурат.**



### БАНДИХОНДА «НУРОНИЙЛАР БОФИ»

Бандихон Сурхондарё вилоятининг кенжа тумани. Лекин, туман аҳли амалга ошираётган хайрли ишлар оз эмас. Бугун бандихонликлар ҳам табиий газ ва водопровод сувларидан фойдаланмоқда. Бу эзуликка эса меҳнатқашлар хашар йўли билан эришганлар.

Йил бошида ҳузуригиз туман деҳқончилик мажмуи ходимлари касба уюшмаси раиси Аҳмад Шердонов кириб келиб, «Нуронийлар боғи» ташкил қилди. Фақат, хашар йўли билан. Унда, шу ердан урушга кетиб, қайтмаган 145 нафар фуқароларимиз номлари ёзилган ёдгорлик, чойхона қурдирсақ деб қолди. Таклиф менга маъқул келди, дейди туман ҳокимининг биринчи ўринбосари О.Раҳмонқуллов.

Хайрли ташаббусдан хабар топган туман ҳокими шаҳсан ўзи бош бўлиб, хашарни бошлаб юборди. Қарабсизки, икки ой мобайнида дашда «Нуронийлар боғи» барпо этилди. Бунга нафақат тумандаги корхоналар, балки саховотпеша кишилар ҳам ёрдам қўлини чўздилар.

«Нуронийлар боғи» бугун Бандихонга кўрк бағишлаб турибди.

**Рустам ДАВЛАТ «Ишонч» муҳбири.**

**Ёднома**

Айтишларича кишининг кўнгли гагин ёки ҳаддан зиёд киборга берилиб кетган дамларда қабристонни зиёрат қилса барча губорлардан ҳоли бўлиб, енгил тортар экан.

Чигатои қабристон... Атроф яшиллик оғушида. Экилган хушбўй гуллар ўзидан уфот таратмоқда.

Отамнинг қабри... Мармар тошга «Ўқтам Усмонов (1937-1990 йиллар)» сўзлари ёзилган. Тасодифан, шунчаки зиёрат қилиб юрган киши учун бу ёзув балки ҳеч қандай маънога эга бўлмас, лекин ардоқлаб тарбияланган ўғил, сўйиб-эркалаб воёга етказилган қиз учун бу қанчалик муқаддас ва мўътабар ердир.

Ҳар сафар отам қабрини зиёрат қилгач, у киши ҳақидаги хотираларини қозғога туширишга эҳтиёж ҳис қиларди.

...Бизнинг болалигимиз сермазмун ўтди. Ота-онамиз ўз фарзандларига нисбатан талабчан, ҳаққий, меҳрибон ва самимий эдилар. Улар бизга тўғрилиқни, одоб, ахлоқни, хушфёолиқни сингирдилар. Ёшлиқдан китобга меҳр уйғотдилар...

Ўқтам Усмоновнинг кундалиқларини варақлаб ўтириб, ўтмишни, дадамлар учун аҳамиятли ва муҳим бўлган воқеаларни хотирладим, уларнинг моҳиятини тушунишга ҳаракат қилдим. Ҳозир ана шу хотира дафтаридан айрим фикрларни келтиришни ҳоиз деб билдим.

**\* Ҳар қандай доно одамга ҳам маслаҳатгўй керак.**

**\* Азалдан шундай: кучли шахслар, талантлар, мутахассислар ўз касб-**

### Ўқинг, бу қизиқ!

**ЯНГИ ШПРИЦ**

Канадада «PRES-JET» номи билан тери остига игнасиз суюқлик дори юборадиган шприц иxtиро қилиниб, патентланди. Шу кунлари бу янги шприцини Италиянинг машҳур тиббий дастгоҳлари ва аппаратлари тайёрлайдиган РТМА уюшмаси (Флоренцияда) ишлаб чиқармоқда. Суюқлик дори шундай босим билан тери остига юборилдики, бемор на оғриқни сезади, на терисидан қон чиқади. Босимини касалнинг ўзи тартибга солади. Бу шприц биринчидан, қанд касаллигига чалинганларга жуда асқотади. Чунки улар доимо ўзларига инсулин дорини уқол қилишлари мумкин. Бошқа шприцларга қараганда биров қиммат бўлишига қарамай, бу янги шприцга эҳтиёж, талаб катта. Сабаби у буткул турли хавфли микробларни юқишига йўл қўймайди.

Япония жаҳон бозорларида автомобилсозлик соҳасида етакчи ўринларни эгаллайди. Яқинда «Исудзу» автомобилсозлик компанияси янги автомобиль моторини ишлаб чиқарди. У «СоА-111» русумли спорт автомобилига ўрнатилиб, барча синовлардан муваффақиятли ўтди. Бу мотор тўрт цилиндрли бўлиб, юз фоиз металл-керамикдан ишланган. Шунинг учун ушбу материал ҳар қандай юқори температурага ҳам чидайдди. Шуниси қизиқки, янги моторнинг совутиш тизими йўқ, сув, антифриз, ҳавосиз) ишлашга мўлжалланган. Қуввати 300 от кучига эга. Манаман деган барча автомобилсозлик компанияларини хайратга соладики яна бир янгилиги бу мотор спиртта, бензиннинг барча турлари ва дизел ёқилгисиди ҳам беамалол ишлайди. У бошқа шундай қувватга эга бўлган моторлардан 30 фоиз самарали ишлаши билан бирга, оғирлиги жахатидан ҳам бирмунча камдир.

**Илҳом ШЕРМУҲАМЕДОВ, тайёрлади.**

**ФААТИ МОТОР**

температурага ҳам чидайдди. Шуниси қизиқки, янги моторнинг совутиш тизими йўқ, сув, антифриз, ҳавосиз) ишлашга мўлжалланган. Қуввати 300 от кучига эга. Манаман деган барча автомобилсозлик компанияларини хайратга соладики яна бир янгилиги бу мотор спиртта, бензиннинг барча турлари ва дизел ёқилгисиди ҳам беамалол ишлайди. У бошқа шундай қувватга эга бўлган моторлардан 30 фоиз самарали ишлаши билан бирга, оғирлиги жахатидан ҳам бирмунча камдир.

**Илҳом ШЕРМУҲАМЕДОВ, тайёрлади.**

## ЯХШИЛАРГА ТАЛПНАР ЮРАК

му, лекин ботина олмасдим. Аммо бу сафар шу ишга кўл урдим. Дадамнинг ёзувчилик фаолиятлари - хикоялари, киссалари, романлари ҳақида гапириш фикридан йироқман. Чунки Ўқтам Усмонов қолдирган адабий мерос, айниқса, «Гирдоб» романи ҳақида таниқли ёзувчиларимиз, танқидчи ва журналистларимиз жуда кўп тақриз ва мақолалар ёзганлар. Устозлари, шогирдлари, дўстлари дадамни доимо эслаб эъзозлайдилар. Шунинг учун ҳам мен отамнинг инсоний фазилатлари, оиладаги кадр-қимматлари ҳақида фикр юритмоқчиман.

У киши биз учун фақат Ота эмас, балки меҳрибон дўст, устоз, маслаҳатгўй, қолаверса, ҳар бир соҳада ибрат олишимизга лойиқ бўлган киши эдилар. Улар аямлар билан ўттиз йилга яқин турмуш куриб, жуда бахтли ҳаёт кечирдилар. Уларнинг бир-бирларига бўлган садоқатлари, меҳр-оқибатлари, умуман турмуш тарзлари, ўзаро муносабатларини кўриб, қариндош-уруғларимиз, кўшиларимизнинг ҳаваси келарди. Аямлар ҳам филолог бўлганлари учун бўлса керак, дадамнинг ижодлари учун барча шароитларни яратишга ҳаракат қилардилар. Янги туғилаётган адабий қаҳрамоннинг тақдирини, унинг ҳиссий кечинмалари, ҳаёт зарбаларига қарши кўрсатган бардошию, бахтли кунларидаги қувончлари - барчаси дадамнинг уйимиздаги иш кабинетларида, онамининг хайрихоҳ, ўта меҳрибон ва сабрли нигоҳлари остида юзага келган.

Ёзувчи У.Усмоновнинг кўп ишлатадиган бир иборалари бор эди: «Дарахнинг буйи-баста дарахт йиқилганда билинади!» Бу ибора асарларида ҳам бир неча бор қайд қилинган. Ҳақиқатдан ҳам ушбу ҳикматнинг нақадар билиб айтилганлиги дадамнинг бевақт вафотларидан сўнг яна бир бор амин бўлдим.

1990 йилнинг январь ойини эслаш биз учун жуда оғир. Бу кун ҳаёт тўхтагандек эди. Ишонган тоғимиздан, меҳрибон отамиздан айрилдик... Онамининг изтиробларини айтмайсизми?... Ҳа, ҳаёт қизиқ экан. Энг оғир кунлар ҳам, энг ёрқин кечинмалар ҳам вақт ўтиши билан ўзининг дастлабки таъсиридан йўқотиб, инсонни ҳаётга мослаштиришга, янгиликка интилишга даъват этар экан. Шундай бўлмаганда балки инсоннинг кадр-қиммати, унинг ҳаётдаги ўрни бунчалик юксак бўлмасмиди?

лари доирасига «сигмаганлар». Улар универсал бўлганлар; бу - дунёни бир бутунлиқда тушунишдан келиб чиқади.

**\* Чингиз Айтматов - ёзувчилар орасидаги кометага ўхшайди.**

**\* Адабиётнинг кучи, таъсири беҳад. Болаликда - шохона уйлар қаторида ертўла, харобалар ҳам борлигини; биз кувониб, ўйнаб-қулиб турган Ватанмизда бошқа жойда одамлар қон ютаётгани; бу дунёда касалхона ва қамоқхона деган жойлар борлигини... шуларнинг барини китобдан билмаган бўлсак, унда қаердан билганмиз?!**

**\* Адабиёт билан биз даромадли соҳа бўлгани учун шуғулланмаймиз (бир хил одамлар ўйлагандек). Адабиёт - бутун умр ўзинг билан ўзинг ҳақлик учун тузган шартномангдир.**

**\* Одам дунёдан кўз юмгач, унинг кифасидан кўра, одамлар билан муносабати кўпроқ эсда қолади...**


**\* Ҳақоратга чидаш, «бир гапдан қолиш», баъзиларнинг наздида, энг керакли, буюқ санъат эмиш! Бундан кўра ўлган яхши!**

**\* Менимча, одамнинг ички зиддияти унга йўлиқадиган ташқи зиддиятлардан кўра кўпроқ ва кучлироқ.**

**\* Кўп йирки шахсларни ўзларининг обрўси, мавқеи чегаралаб қўяди. Уларнинг ҳам бошқа одамлар қатори ўйнаб-қулгиси, йилгалиси, хато қилгиси... хуллас одамлардай яшагиси келади. Аммо обрў, мавқелари «ушлаб» туради. Катта мавқеда туриб, оддий бўла олиш эса - фақат даҳоларга хос.**

**\* Вақт - унсиз дарё... Инсон ҳам, ҳаёт ҳам вақт ичиди кечади. Изсиз, рангсиз вақтни олтин сониларга айлантириш ҳам мумкин. Одамнинг одамлиги шунда...**

**Зухра УСМОНОВА, адабиётшунос.**



Тошкент-кўп йиллар яшнаб, яшнайвер ҳар вақт. Х.МИРЗАКАРИМОВ олган сурат

**Англия «CESC» мактабининг расмий ишончли вакили юқори синф ўқувчилари ва мактаб битирувчиларини Англияда ўқиш учун 3 ойлик ёзги курсларга ҳамда 9 ойлик курсларга пуллик-контракт асосида ўқишга таклиф этади.**

**Батафсил маълумотларни Сиз 56-54-78 телефонида кўнгироқ қилиб ёки Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши биноси - Бухоро кўчаси, 24-уй, 5-қават, 43-хонага ташриф буюриб, билиб олишингиз мумкин.**

**Барча ҳужжатларни расмийлаштириш ишларини ўз зиммаларига оламиз.**

**Мўлжал: Алишер Навоий номи театр биноси.**

Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги 37-ўрта мактаб томонидан шу мактабни 1997-1998 ўқув йилида тугатган Содик Нарзиев номига берилган O'R-A 269559 - рақамли аттестат (гувоҳнома) йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

**«ЁШЛИК» очик акциядорлик жамияти акционерлари ДИҚҚАТИГА!**

Акциядорлик жамияти қузатув кенгаши 1999 йил 25 июнь соат 15.00 да корхона биносиди акционерларнинг умумий мажлиси ўтказилишини маълум қилади.

**Кун тартиби:**

1. Кун тартибини ва ҳисоб комиссиясини тасдиқлаш.
2. Акциядорлик жамияти бошқарувининг 1998 йилдаги молия-ҳўжалик фаолияти натижалари ва 2000 йил равнақи тўғрисидаги ҳисоботи.
3. Акциядорлик жамиятининг 1998 йил баланс моддалари бўйича ревизион комиссия иши якунларини тасдиқлаш.
4. Дивиденд ҳажмини ва уни тўлаш тартибини тасдиқлаш.
5. Жамият уставиға ўзгартириш қиритиш.
6. Қузатув кенгаши ва жамият бошқарувиға бўш ўринларға сайлов ўтказиш.
7. Ҳисоб комиссияси мажлис баёнларини тасдиқлаш.

**Қузатув кенгаши**

Манзил: Тошкент шаҳри, М.Мирпўлатова кўчаси, 36-уй.  
Телефонлар: 48-38-04, 48-22-34.

**«ЁШЛИК» ОАЖ нинг 25.05.1999 йилга акциялар жойлашуви**

Акциялар сони	- 25686 дона.	номинал нархи - 200 сўм
Ишчилар жамоаси	- 6578 дона.	
Чет эл инвестори	- 6421 дона.	
Эркин савдода	- 12687 дона.	
Имтиёзли акциялар	- 1364 дона.	

Ҳамма акциялар жойлаштирилган. Эмиссия проспекти Давлат мулкни назорат қилиш қўмитасида 22.03.1998 йил 15-14-1-877 1 ДП сони билан рўйхатга олинган.

**«ЁШЛИК» ОАЖ нинг 01.01.1999 йилга йиллик БАЛАНСИ**

Акт минг сўм ҳисобиди	4904	Пассив минг сўм ҳисобиди	1.Хусусий маблағ манбалари - 1856
- Асосий воситалар	4904		
- Бошқа воситалар			
2.Айланма активлар			
моддий заҳиралар	10044	2.Узоқ муддатли пас.	
3.Пул воситалари	7520	3.Ҳисоб-китоб ва бошқа пассивлар - 20612	
Баланс	22468	Баланс - 22468	
1998 йил учун олинган фойда	- 26141		
Сарф-харажатлар	- 27844		
Фойда	- 1703		
Зарар	- 1703		

Аудиторлик фирмаси ООО «Лого-Арт аудит» (Молия Вазирлиги томонидан берилган 19.05.1997 йилда 336-сонли лицензия берилган) шартномаси 20.04.1999 йилда 24-сонли шартнома тасдиқланган.

**ISHONCH**

**МУАССИС:**

**Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси**

**Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ**

**Тахрир хайъати:**

Ж.Алимуҳжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), А.Алламурадов (масъул котиб «Ишонч»), Ч.Латипов (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч»), М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

Котибият 56-52-78,  
136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Маълумоти: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютериди терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табақ. Сутувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмақониси. Корхона манзили: «Буюк Турон кўчаси, 41-уй».

Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди 23.00.